

ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил
 1 июлдан
 чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 159 (11.470)

Баҳоси эркин нарҳда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Меҳрдан йўғрилур буюк муҳаббат,
 Ниҳолдан саҳрода чаман бошланур.
 Юрт меҳри — биз учун энг улуг давлат,
 Қалбларнинг қаъридан
 Ватан бошланур.**

Танловлар

ВАТАННИ МАДҲ ЭТИБ КУЙЛАШДИ

Ўтган икки кун давомида пойтахтимизнинг мухташам «Туркистон» саройида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови ҳамда голиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими ва улар иштирокида гала-концерт бўлиб ўтди. Концертда кўрик-танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиз, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тизими голиблари, таниқли санъаткорлар, ёш ижрочилар иштирок этди. Айтиш жоизки, мазкур танлов ёш авлоднинг соғлом тафаккур соҳиблари этиб тарбиялаш, қалби ва онгига Ватанга муҳаббат, Истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умум-башарий қадриятларга ҳур-

Ватан ягонадир, Ватан биттадир. Шу ғўзал ва обод жаннатмонанд юртимизни мадҳ этиб куйламоқ бир саодатдир. Албатта она диёримиз ҳақида жўшиб куйлаётган хонанданинг кўшигини тинглаганимизда қалбимизда фахр-ифтихор туйғулари яна ҳам ортади. Шундай осуда ва фаровон, истиқболи порлоқ юртда яшаётганимиздан шукроналар айтамыз.

мат руҳини сингдириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар каби эзгу мақсадларга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Президентимизнинг 2009 йил 7 апрелда қабул қилинган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларни янги, янада юқори поғонага олиб чиқишда муҳим омил бўлмоқда. Танловнинг асосий мақсад ва вазифаси мамлакатимизда

миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш, ёш авлод онг-шуурида она Ватанга, заминимизга меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотиш, халқимиз орасидан ноёб овоз соҳибларини излаб топиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, Ватан мавзусидаги халқимизнинг маънавий мулкига айланадиган мазмунан теран ва бадиий жиҳатдан мукаммал кўшикларни яратишдан иборатдир.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам жаноб Президент!
 Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Сизга самимий қутловларимни йўллаш, мамлакатингиз ва ўзбек халқига бахт ва тараққиёт тилаш мен учун ифтихор бағишлайдим.
 Мен барча соҳалар, хусусан, иқтисодий йўналишдаги алмашувлар борасида ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга тайёр эканлигимизни яна бир бор изҳор этишни истардим. Шу муносабат билан, мен Франция корхоналарининг бутун Ўзбекистон халқи фаровонлиги йўлида биргаликда ҳисса қўшишда ўз тажрибалари билан ўртоқлашишга тайёрлигини қайд этишни лозим топдим.
 Тошкент шаҳри ташкил топган кунининг 2200 йиллигини нишонламоқда. Мамлакатингиз пойтахти асрлар давомида Марказий Осиёда тушган йирик тамаддулар хилма-хиллиги ва бойлигини ўзида сингдирган ҳолда ривожланиб келди. Тошкент — Ўзбекистон маданиятининг музейи шаҳри, бой тарих, шунингдек, буюк келажакка эга шаҳардир. Бошдан ўтказишга тўғри келган синовларга қарамай шаҳар Ўзбекистон тараққиёти маркази бўлиб қолди. Мустақилликка эришилганидан сўнг, Ўзбекистон халқи шижоати боис янги чўққиларни забт этди.
 Мазкур юбилей муносабати билан Франция ЮНЕСКО бош қароргоҳида Тошкент шаҳрига асос солиниши тўғрисидаги қўғазмани қабул қилганини таъкидлаш менга мамнуният бахш этади. Ўзбекистон санъати ва хунармандчилиги намуналарини акс эттирган мазкур ноёб қўғазма Франция ва Ўзбекистон дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшди.

Жаноб Президент, менинг юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.
 Николя САРКОЗИ,
 Франция Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам жаноб Президент!
 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳри 2200 йиллиги байрами нишонланиши муносабати билан Сизга, шунингдек, бутун ўзбек халқига ўз самимий табрикларимни йўллаш шарафига муяссар бўлганидан мамнунман.
 Мамлакат тарихида 18 йил узоқ бўлмаган бир вақт бўлагини ифода этгандек туюлади. Бироқ мазкур қисқа давр Ўзбекистон учун сезиларли даражада ривожланиш ва модернизациялашув имкониятини яратди. Дарҳақиқат, мамлакат улкан тараққиётга эришди, жумладан, демократик, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда ҳаётга таъбиқ этиш борасида катта ютуқларни қўлга киритди. Бугунги кунда халқаро муносабатлар тизимида ўз муносиб ўрнини эгаллаган Ўзбекистон дунё ташкилотлари, хусусан, Халқаро қўғазмалар бюроси доирасида ўз ҳамкорлигини мустаҳкамламоқда. Биз бундан бағоят мамнунмиз ва ҳамкорлигимизни қўллаб-қувватлаймиз.

Узоқ ҳамда бой тарихи мобайнида талай синов ва қийинчиликларни бошдан ўтказган Марказий Осиёдаги энг йирик шаҳар — Ўзбекистон пойтахти — Тошкент оламшумул воқеаларга гувоҳ бўлиб, ўзининг муҳим сиёсий, иқтисодий ва маънавий мавқеини ҳамisha сақлаб келган.
 Тошкент бошқа жиҳатлари билан бир қаторда «Тинчлик шаҳри» ва «Дўстлик шаҳри» каби сифатлари билан ҳам ном таратган ва дунё ҳам-жамияти эътирофини қозongan.
 Бугунги кунда Тошкент — ривожланган транспорт, ижтимоий ва сайёҳлик инфратузилмасига эга замонавий мегаполисдир. Маданий ва ижтимоий йўналишдаги талай лойиҳалар халқаро кўламли амалга ошириб келинмоқда.
 Қутлуг айёмлар муносабати билан ушбу қулай фурсатдан фойдаланиб Сизга, жаноб Президент, сихат-саломатлик, бахт ва барча лойиҳаларингиз амалга ошиши борасидаги энг самимий тилакларимни изҳор этишимга ижозат берайсиз. Биз шунингдек ўзбек халқига тинчлик ва раванқ тилаб қоламиз.

Жаноб Президент, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.
 В.Г.ЛОСЕРТАЛЕС,
 Халқаро қўғазмалар бюроси
 Бош котиби

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам жаноб Президент!
 Франция Сенати «Франция — Марказий Осиё» дўстлик гуруҳи раиси сифатида, «Франция — Ўзбекистон» дўстлик гуруҳи раиси Брижит Бут хоним, шунингдек, барча ҳамкасбларим, ушбу парламент гуруҳи аъзолари номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик байрами муносабати билан самимий табрик ва тилакларимни билдираман.
 Мен раҳбарлик қилиш шарафига муяссар бўлган дўстлик гуруҳи на-вқирон мамлакатингиз сўнги йиллар давомида сиёсий, иқтисодий, шунингдек, ижтимоий ва маданий соҳаларда эришган улкан муваффақиятларни қузатиб ва юқори баҳолаб келдим.
 Жаноб Президент, Тошкентга бир неча бор буюрган ташрифларимни илик хотиралар билан ёдга олар эканман, бой тарихга эга ва бугунги кунда Марказий Осиёда энг муҳим шаҳар ҳисобланган Ўзбекистон пойтахтининг 2200 йиллик тантаналарида мен фикран биргаман.

Жаноб Президент, яна бир бор самимий қутловларимни изҳор этар эканман, Сизга бўлган чуқур эҳтиромимни қабул қилишингизни сўраб қоламан.
 Андре ДЮЛЕ,
 «Франция — Марказий Осиё»
 Парламентларо дўстлик гуруҳи раиси

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ҲАРБИЙ ҚИСМДАГИ УЧРАШУВ

Яна санокли кунлардан кейин юртимизда Энг улуг, энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги кенг нишонланади.

Пойтахтимизда ушбу қутлуг саналар олдидан «Мустақиллик биз учун — ўзлимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз қўзлаган демократик жамият барпо этишининг гаровидир» мавзуда давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар, таниқли зиёлилар, маданият ва санъат арбоблари билан учрашувлар ўтказилмоқда.
 Ана шундай тадбирлардан бири Тошкентдаги ҳарбий қисмлардан бирида бўлиб ўтди. Чилонзор туман ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда ҳарбийлар, ёзувчи ва шо-

ирлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.
 Шоир ва ёзувчилар истиқлолимизнинг юртдошларимиз ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти, Тошкент шаҳрининг тарихи ва бугуни, барча соҳаларда амалга оширилаётган изчил ислохотлар бераётган юксак самаралар, ҳарбийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғам-хўрлик хусусида сўзладилар. Шеърлар, ҳикоялар ўқилди.
 Тадбир иштирокчилари ҳарбий қисмда аскарлар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар.
 Х.САЛИМОВ,
 ЎЗА мухбири

**ҚИСҚА
 САТРЛАРДА**
 Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларининг хабарларидан.

✓ **ЮНУСОБОД** туманида Республика Маънавият тарғибот марказининг Юнусобод туман бўлими ташаббуси билан шифокорлар, ёш ота-оналар иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Соғлом она — соғлом бола» деб номланди.

✓ **ШАҲРИМИЗДА** Ўзбекистон Алоқа ва аxbоротлаштириш агентлиги ҳамда «Инфоком Уз» журнали ҳамкорлигида ташкил этилган интэрнет фестивали 25 сентябргача давом этади.

✓ **БУГУН** шаҳримизда мутахассислар иштирокида ташкил этилган ер кадастридан самарали фойдаланишнинг долзарб масалаларига бағишланган икки кунлик илмий-амалий анжуман қўнланди.

✓ **КЕЧА** шаҳримизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал — демократик партияси, «Микрокредитбанк» ҳамда Республика «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ҳамкорликларида уюштирилган «Ёш тадбиркор — элга мададкор» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

МАМЛАКАТИМИЗДА



- Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар томонидан бир неча қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.
- Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилишида депутатлар қуйи палата муҳокамасига киритилган қатор қонунлар лойиҳаларини муҳокама этиб, улар юзасидан фракциянинг позициясини ишлаб чиқдилар.
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида «Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёнида адвокатуранинг ўрни: вазифалар, масъулият ва истиқбол» мавзуга бағишланган конференция бўлиб ўтди. Анжуманда давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар таҳлил этилди.
- Сардоба туманидаги «Ориан-Ҳафиз» қўшма корхонасида фермер хўжалиқлари ва хонадонларда паррандачиликнинг ривожини учун қулай имконият яратилди — бу ерда Россия — Германия технологиялари билан жиҳозланган инкубатор ишга туширилди. Бир мuddатда 50 мингга жўжа етказиб берадиган мазкур инкубаторнинг фаолият бошлаши билан ўндан ортиқ қишлоқ ёшлари доимий иш ўринларига эга бўлдилар.
- Наманган туманидаги Қумқўргон қишлоғида аxbорот технологиялари ва сервис соҳасига ихтисослашган касб-хунар коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур ўқув юрти «Наманган қишлоқ саноат қурилиш» МЧЖ томонидан бунёд этилган бўлиб, бу ерда жами 2 миллиард 412,5 миллион сўмлик ишлар бажарилиб, компьютер ва лингафон хоналари, кутубхона ҳамда спорт зали замонавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди.
- Риштон туманида замонавий мейморчилик анъаналари асосида барпо этилган янги деҳқон бозорининг фойдаланишга топширилиши аҳоли учун Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги байрамига муносив тухфга бўлди. Махсус лойиҳа асосида бунёд этилган мазкур бозорда сотилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва нисбатан арзонлиги билан харидорларга маъқул бўлмоқда.

ЖАҲОНДА

- Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай сайловолди жараёнларида рақиб номзодлардан бири Ашраф Фанига қучларни бирлаштириш ва яқдил жамоа бўлиб курашишни таклиф этди. Таъкидлаш жоизки, Карзайда президентликка қайта сайланиш имконияти катта. Шундай бўлса, у Ашраф Фанига бош вазирлик лавозимига тенглаштирилган махсус лавозим беришни ваъда қилиб, номзодини қайтариб олишни таклиф этди.
- Россия Федерацияси Бош вазир В.Путин агарда Абхазияни ҳарбий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш керак бўладиган бўлса, Россия шундай ёрдам кўрсатажанини таъкидлади.
- Кеча эрталаб Ингушетия қурилиш вазир Руслан Амерханов ўз иш жойида номаялум кишилар томонидан ўлдириб кетилди. Вазирнинг ўлимини очишга кўмаклашиш мақсадида Москвадан Ингушетияга криминалистлар гуруҳи жўнатилди.
- Кеча ўтказилган савдоларда Лондон биржасида бир баррел нефтнинг нархи 72,81 долларни ташкил этган бўлса, Нью-Йорк биржасида бу кўрсаткич 70,16 доллардан иборат бўлди.
- Тайванда «Морокко» тропик тўфонининг қурбонлари 103 кишига етди, 60 киши эса бедарак йўқолди. Мамлакат жанубидаги тоғли ҳудудларда ҳалок бўлган деб ҳисобланган 700 киши топилган. Уларнинг барчаси соғ-саломат экан. Айни пайтда жабрланганларга ёрдам кўрсатилмоқда.
- Голландиянинг Амстердам шаҳрида инглиз ва голланд футбол ишқибозлари ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтди.
- Кеча Буюк Британиядаги дам олиш боғларидан биридаги аттракционда жуда тез ҳаракатланаётган вагоннинг издан чиқиб кетиши натижасида 21 киши жабрланди, уч киши жароҳатланиб, касалхонага ётқизилди. Ушбу бахтсиз ҳодисанинг сабаблари аниқлангунга қадар, аттракцион ёпилди.
- 15 августда рок-музыка маликаси Мадонна Польшада ўзининг янги концерт дастурини намойиш этади.

ТИНЧЛИК ВА ДУСТЛИК РАМИ
2200
2009
ТОШКЕНТ

ШАҲРИМ — ФАҲРИМ



Назм бўстонида



Махмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

МУҚАДДАС ВАТАН

Ой тунлари суюб термилган,
Кўёш кундуз куюб термилган.
Тинчлик деган нурга йўрилган,
Кучогингда қувонч кучаман,
Ягонасан, муқаддас Ватан.

Богбонини бол излаб юрган,
Дехонини кут қутлаб турган,
Халол топиб қандини урган.
Барақаси эй боқий чаман,
Ягонасан, муқаддас Ватан.

Ризқ излаган тузу нон топган,
Хар мезбони бир меҳмон топган.
Улуғлари мангу шон топган,
Меҳринг дарё, қониб ичаман,
Ягонасан, муқаддас Ватан.

Ўзбекистон, ўзимдаги нур,
Темура бобом сўзимдаги нур.
Юртбошиси юзимдаги нур,
Бор миллати бир жону бир тан.
Ягонасан, муқаддас Ватан.

Хуш тилакдан ҳикмат топган эл,
Тўғрилиқдан хурмат топган эл.
Яшилликни нондай ёнган эл,
Сенинг учун куйгувчи жонман,
Ягонасан, муқаддас Ватан.

НОН ШАҲРИМ, ШОН ШАҲРИМ

Қиёс излаб қоним кўшай андозангга,
Айтгин, қандай шон кўшайин овозангга,
Шеърларимни тумор қилай дарвозангга,
Шарқ шухрати ўзинган-ку, шоним Тошкент.
Чиройингга ойна бўлсин жоним, Тошкент.

Кадр лойин қалдирғочлар қоролгайлар,
Кўшқин излаб айвонингга боролгайлар,
Майсалар ҳам Тошкент деса тош ёргаулар,
Маққадаги қушлар қайтар, доним Тошкент,
Кимлар демас сени бу кун номим Тошкент.

Тилла Шайхнинг масжидида тиз чўкканлар,
Ҳазрат Имом мажмуида дил тўкканлар,
Қафқол Шоший ҳикматларин хўб уққанлар,
Бир-бир айтсам осмон бўлар орим Тошкент,
Қулуг тўйда тўкким келди борим Тошкент.

Кирмоқ бўлса кимки гўзал қошонангга,
Шаҳрим аввал меҳрин тўксин ошонангга,
Бошинг узра айланай мен парвонангга,
Саодатинг саройисан, сўлим Тошкент,
Тошкент деса ўзга сигмас, элим Тошкент.

Қодирининг қадримиди «Ўтган кунлар»,
Ваҳ, Чўлпоннинг ёқосидан тутган кунлар,
Қонлар ютиб истиклолни кутган кунлар.
Ўтмишингни ўртаб айтар сўзим Тошкент,
Сен Ойбекнинг нигоҳида кўзим Тошкент.

Шукур Бурхон овозининг гулдурраги,
Тошкент аҳлин авлодларга хуш тилаги,
Наво сўрсанг Юнус ота юрт юраги,
Маҳринг айтсам қўлдан тушмас торим Тошкент,
Париж, Лондон, Румлар ичра норим Тошкент.

Хожа Аҳрор Валийсида мурод улуг,
Шайх Ҳованди Тоҳурида қушод улуг,
Занги Ота пири комил, сабот улуг,
Улуғларнинг дарё дили, ўзинг Тошкент,
Ҳикмат аҳлин сўлмас гули, ўзинг Тошкент.

Обод ватан султони ҳам огоҳ бўлур,
Элу юртининг тинчлигига паноҳ бўлур,
Азим Тошкент кўрки бунга гувоҳ бўлур,
Улуғларни улғайтирган бешик Тошкент,
Яшилликка очилгувчи эшик Тошкент.

Икки мингу икки юз йил умр йўли,
Асли гўзал пойтахтининг ғурур йўли,
Ўзбегимнинг дуолардан тушмас қўли,
Омон бўлгин, обод бўлгин, шоним Тошкент,
Чиройингга ойна бўлсин жоним Тошкент.

ТОШКЕНТ

Соғинсам кўзимда очилган гулдек,
Сен Шарқнинг кўркисан, гўзалсан Тошкент.
Маҳрингни куйлайлик мисли булбулдек.
Қадимсан, кўхнасан, азалсан, Тошкент.

Ҳазрат Ҳаси Имом дуолари ёр,
Кўёш қутлаб турган нури шаҳарсан.
Саодат султони-фидолари бор,
Тошлари товланган дурли шаҳарсан.

Нон шаҳрим, шон шаҳрим, жон шаҳрим Тошкент,
Ҳайратим, ҳавасим, сен фаҳрим Тошкент.

Меҳру оқибатдан олам мунаввар,
Шодлик шаробидан қадаҳ тут соқий.
Одамлар яшайди, шаҳарлар яшар,
Дунёнинг тинчлиги бўлса гар боқий.

Минг бир шаҳар кўрган бу кўхна дунё,
Аммо сен биттасан, ягона Тошкент.
Сени кўрганларнинг кўзида зиё,
Кўрмаган кишига афсона Тошкент.

Гул шаҳрим, нур шаҳрим, дур шаҳрим Тошкент,
Сен орим, сен борим, сен фаҳрим Тошкент.

Бахтинг бугўдодайин бошоқлаб ётсин,
Олам тинчлигига туморсан, Тошкент.
Юз минг йил ўтиб ҳам хуш тонгинг отсин,
Ўзбек кўксидида сен орсан, Тошкент.

Тошкент она шаҳрим, юртим юраги,
Кўзлар гавҳарисан, нурафшон пойтахт.
Тинчлик, дўстлик эрур элим тилаги,
Ватан таянчисан, шараф-шон пойтахт.

Нон шаҳрим, шон шаҳрим, жон шаҳрим Тошкент,
Ҳайратим, ҳавасим, сен фаҳрим Тошкент.

КЎШИҚ

Бир кўшиқ таралса кўрғонлар аро,
Қадринг шу кўрғонда сўрганлар аро,
Кўрмайин бир бора кўрганлар аро,
Кимга айтарингни билиблар айтсанг,
Тошларнинг кўксини тилиблар айтсанг.

Онанг тинглаганда сел бўлиб окса,
Отанг хуш дуолар шамларин ёкса,
Боланг бодомдайн магзини чакса,
Жонинг чашмасидан кўшиблар айтсанг,
Тўлкиндек тўш уриб жўшиблар айтсанг.

Осмон қошларингга эгилиб келса,
Юлдузлар юзингга тегиниб келса,
Ой доғларин териб сигиниб келса,
Етмиш минг тугунни ечиблар айтсанг,
Жонингдан ошқора кечиблар айтсанг.

Оҳанги аритса дардлар додини,
Сўзи шарафласа мардлар ёдини,
Элинг элакласа дил баётини,
Айт деса, кўксингни кериблар айтсанг,
Диллардан оҳларни териблар айтсанг.

Сўзингда самовий садолар бўлса,
Ўзингда Ватанга вафолар бўлса,
Ниятинг новотдек наволар бўлса,
Сел бўлсанг, сел қилиб эриблар айтсанг,
Бахтингни ўзинг ҳам кўриблар айтсанг.

БОР СЎЗЛАР — БЕДОР СЎЗЛАР

Дарёни қуриб бўлмас,
Шамолни тутиб бўлмас,
Етимни туртиб бўлмас,
Десам, дейсиз бор сўз-ку,
Вале дўст, бедор сўз-ку!

Уй борки чироғи бор,
Яқиннинг йироғи бор,
Хар ишнинг сўроғи бор,
Десам, дейсиз бор сўз-ку,
Такрори, даркор сўз-ку!

Ҳаваснинг уйи кўнги,
Ҳасаднинг уйи кўнги,
Бир гулнинг бўйи кўнги,
Десам, дейсиз бор сўз-ку,
Вале диллар зор сўз-ку!

Чироқни чертиб бўлмас,
Қувончни ютиб бўлмас,
Дардни унутиб бўлмас,
Десам, дейсиз бор сўз-ку,
Яхшидан ёдгор сўз-ку!

Тангрининг кули инсон,
Тангрининг гули инсон,
Дунёнинг нури инсон.
Десам, дейсиз бор сўз-ку,
Ҳақ деганга ёр сўз-ку!

Азал сўзлар, бор сўзлар,
Гоҳ азиз, гоҳ хор сўзлар,
Тоабод бедор сўзлар,
Дилларда кўлаб турсин,
Гуноҳдан чеклаб турсин.

ВАТАННИ МАДҲ ЭТИБ КУЙЛАШДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртимизнинг барча худудларида ўзгача шуқуҳ, кўтаринки руҳ ва юксак савияда ўтказилган ушбу ижодий беллашув ўзига хос санъат байрамига айланиб кетди. Мазкур танлов ёшлар орасидан кўплаб янги овозларни кашф этди. Бунда нафақат янги овозлар, балки шеърят ва мусиқа йўналишида ижод қилаётган янги номлар ҳам пайдо бўлди. Энг муҳими, Ватанимизни улугловчи, унинг қадр-қиммати ва шону шавкати мадҳ этувчи бир қанча янгидан-янги кўшиқлар туғилди. Барча иштирокчилар она Ватанимизни мадҳ этувчи кўшиқларни юракдан жўшиб куйладилар. Истардикки, ҳар бир хонанда она юрт шаънини шарафлаб, ҳамиша юракдан жўшиб куйласин, Ватанимизга садоқатини, меҳр-муҳаббатини намён эта олсин, мана шундай кўшиқлари билан бошқаларнинг қалбида ҳам она Ватанимизга муҳаббат, ифтихор туйғуларини оширсин. Зеро, мана шундай жўшқин, мазмунли, юксак савияли кўшиқларнинг умри боқий бўлади.

Танловда Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов сўзи, Ўзбекистон санъат арбоби Анор Назаров мусиқаси билан айтилаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Озодбек Назарбеков ижросидаги «Жон Ўзбекистон» кўшиғи биринчи ўринга муносиб топилди. Иккинчи ўрин Муртазо Қаршибоев сўзи, Анвар Эргашев мусиқаси билан айтилаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулсанам Мамазоитова ижросидаги «Фидо бўл!» кўшиғи учун, учинчи ўрин Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо шеъри, Анор Назаров мусиқаси билан айтилаётган «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг Наманган вилояти бўлими хонандаси Малика Эгамбердиева ижросидаги «Ўзбекистон» кўшиғига насиб этди.

Тадбирда кўрик-танлов ғолиб ва совриндорлари иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловидан лавҳалар.
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар



Тиббиёт

АГЕНТЛИК САЪЙ-ҲАРАКАТИ БИЛАН

«Ўзбекистонда тиббий ҳамширалик таълимини такомиллаштириш» лойиҳаси яқунланди. Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги техникавий алоқалар ташкилоти томонидан амалга оширилган бу лойиҳа беш йил давом этди.

Шу беш йиллик фаолияти давомида лойиҳа доирасида тиббиёт коллежлари учун ҳамширалик иши бўйича дастурлар тайёрланди. «Беморларга ҳамширалик хизмати» йўриқномасига асосланган мазкур дастурлар биринчи республика тиббиёт коллежида ҳам жорий этилди.

ФОЙДАЛИ СЕМИНАР

Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти фаолияти кенгайиб бормоқда.

Уюштирилаётган илмий тадбирлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Институтнинг Тошкент шаҳри филиали томонидан ташкил этилган семинар эса «Мавсумий юқумли касалликларнинг олдини олиш» деган мавзуга бағишланди. Унда вирусли гепатит ва ўткир юқумли ичак касалликларининг олдини олишга доир фойдали маслаҳатлар берилди. Юнусобод туманидаги 50-оилавий поликлиникаси шифокорларининг бу борадаги фаолияти ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Ақбар АЛИЕВ

ЙЎЛОВЧИЛАРГА МАНЗУР ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ

«Пойтахтимизда биринчи трамвай қачон юра бошлаган?» деган саволга ҳамшаҳарларимиз бирдек жавоб қайтара олмасалар керак. Дарвоқе, бу транспорт воситаси қатнови қачон йўлга қўйилган?

Архив ҳужжатларига кўра, 1901 йили от тортадиган биринчи трамвай (конка) Тошкент темир йўл вокзали билан Эски шаҳар ўртасида қатнай бошлади. Икки йилдан кейин вагонлар сони 30 га ва отлар 170 га етди.

Трамвай — инглиз тилидан олинган бўлиб, трамвай — вагон, вай — йўл деган маънони англатади. Шаҳримизда биринчи трамвай (конка) ни юргазилган катта тайёргарлик кўрилган эди. Бунда 1896 йили Тошкент шаҳар бошқармаси билан Бельгия хиссадорлик жамияти ўртасида тузилган битим муҳим ўрин тутди.

Ушанда от тортадиган «конка» вагонларнинг ҳаракатидан аҳоли хайратга тушган эди. 1912 йил август ойида эса электр трамвайи ўз ҳаракатини бошлади. Тошкент трамвайи ҳақида сўз борганда Раҳимовлар Икромов номи ҳам фахр билан тилга олинади. У дастлабки трамвай ҳайдовчи-

си сифатида ўз маҳоратини кўрсатган эди. Бу фидойидан ўрнат олиб, яна қанча ёшлар трамвай ҳайдовчилар сафига қўшилдилар. Шу тариқа трамвай шаҳримиз аҳолисининг сеvimли транспорт воситасига айланди.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ишлаб чиққан тадбирлар режасига кўра, келгусида пойтахтимизда трамвай хизмати янада яхшиланади. 30 донга янги йўловчи ташиш трамвайи харид қилинди. Россиядаги «Усть-Катаев вагон қурилиш заводи»да махсус тайёрланган бу вагонлар йўловчилар учун жуда қулай бўлиб, шаҳримиз кўркига кўрк қўшиб турибди.

Бугунги кунда 9 та йўналишда қатнаб турган трамвайлар экологик жиҳатдан тоза ва қулай шаҳар электр транспорти сифатида йўловчиларга манзур бўлаётганлигини айтиб ўтиш жоиздир.

Ақбар АЛИЕВ

Маълумки, жойларда олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари, ўтказилаётган маънавий-маданий тадбирлар, ижодий анжуман ва кўرғазмалар Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги шодиёналари ҳамда пойтахтимизнинг 2200 йиллик тўйига бағишланмоқда.

Кўрғазмалар


ТОШКЕНТ — ШАРҚ ЮЛДУЗИ

Шундай тадбирлардан бири кун кеча Темурийлар тарихи Давлат музейида бўлиб ўтди. Унда ёш расом Екатерина Иванованин ижодий ишлари кўрғазмаси намойиш этилди. Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан музей илмий бўлим бошлиғи Омонулла Бўриев Катеринанин самарали ижодига тўхталар экан, унинг бугунги ижодий ишлари кўрғазмаси аввалгиларидан тубдан фарқ қилишини, негаки бугун расомнинг фақат Тошкент ва тошкентликлар ҳақидаги асарлари намойиш этилаётганлигини, шу асарларда барчанин қалбида ифтихор туйғусини

уйғотувчи қандайдир сирли куч яширинганлигини таъкидлади. Кўрғазманин «Тошкент — Шарқ юлдузи» деб номланиши ҳам бежиз эмас. Зеро, унда Тошкентнинг қадимий, бой тарихини акс эттирувчи меъморий ёдгорликлар тасвирланган «Шайх Сайид Абулқосим мадрасаси», «Эски шаҳар деворлари», «Жонланган тарих», «Донишмандлик гўмбаси» каби асарлар ўрин олган. Мустақиллик йилларида барпо этилган замонавий мухташам бинолар, Тошкент маҳаллалари, Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, урф-одатлари ҳақида ҳикоя қилувчи Тошкент курантлари»,

«Шарқ меҳмондўстлиги», «Фарҳод бозорида», «Шаҳар марказида тонг», «Анҳор суви», «Меҳмонларни кутиш» каби асарлар шаҳарнинг бугунги кунини акс эттиради. Бундан ташқари, кўрғазмадан Тошкент ноз-неъматлари акс эттирилган натормортлар муносиб жой олган. «Тошкент — шарқ юлдузи» кўрғазмасидан ўрин эгаллаган тасвирий санъат асарлари музейга ташриф бурувчи республикамиз аҳолиси ва хорижлик меҳмонларни Тошкентнинг кўхна тарихи ва замонавий ҳаёти билан таништиради. **ЗЕБУНИСО НАЗИРОВА, ЎЗМУ талабаси**

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРА



ДУШАНБА, 17

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Икки». 7.05 «Ихор». 7.10 ТВ - анонс. 7.15 ТелеТeatр: «Оқибат».

Ёшлар

6.55 «Yoshlar» салoми. 7.00 «Ёшлар майдоли». 7.30 «Чархлар». Т/с. 8.15 «Ўзбек адабиёти».

Тошкент

7.25 Программа передач. 7.30 «Салом, Тошкент!» 8.30 «Қизилдан маймунча».

СЕШАНБА, 18

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Икки».

Спорт

Телетомошабинлар дикути! Профилактика муносабати билан, 17 август кунин «Спорт» телеархивидан ўз кўрсатувларини 18.00 дан бошлайдиган.

Первый канал

4.00, 8.05 «Доброе утро, Россия!» 7.55 Х/ф «Менялы».

НТВ

5.55 «Yoshlar» салoми. 7.00 «Ёшлар майдоли». 7.30 «Чархлар». Т/с. 8.15 «Ўзбек адабиёти».

ТВ 3

7.00 Д/ф «По следам Индианы Джонса».

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Икки».

Спорт

7.00 «Бодоро утро».

Первый канал

4.00, 8.05 «Доброе утро, Россия!» 7.55 Х/ф «Менялы».

НТВ

5.55 «Yoshlar» салoми. 7.00 «Ёшлар майдоли». 7.30 «Чархлар». Т/с. 8.15 «Ўзбек адабиёти».

ТВ 3

7.00 Д/ф «По следам Индианы Джонса».

ЧОРШАНБА, 19

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Икки».

Спорт

7.00 «Бодоро утро».

Первый канал

4.00, 8.05 «Доброе утро, Россия!» 7.55 Х/ф «Менялы».

НТВ

5.55 «Yoshlar» салoми. 7.00 «Ёшлар майдоли». 7.30 «Чархлар». Т/с. 8.15 «Ўзбек адабиёти».

ТВ 3

7.00 Д/ф «По следам Индианы Джонса».

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Икки».

Спорт

7.00 «Бодоро утро».

Первый канал

4.00, 8.05 «Доброе утро, Россия!» 7.55 Х/ф «Менялы».

НТВ

5.55 «Yoshlar» салoми. 7.00 «Ёшлар майдоли». 7.30 «Чархлар». Т/с. 8.15 «Ўзбек адабиёти».

ТВ 3

7.00 Д/ф «По следам Индианы Джонса».

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Икки».

Спорт

7.00 «Бодоро утро».

Первый канал

4.00, 8.05 «Доброе утро, Россия!» 7.55 Х/ф «Менялы».

НТВ

5.55 «Yoshlar» салoми. 7.00 «Ёшлар майдоли». 7.30 «Чархлар». Т/с. 8.15 «Ўзбек адабиёти».

ТВ 3

7.00 Д/ф «По следам Индианы Джонса».

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Икки».

Спорт

7.00 «Бодоро утро».

Первый канал

4.00, 8.05 «Доброе утро, Россия!» 7.55 Х/ф «Менялы».

НТВ

5.55 «Yoshlar» салoми. 7.00 «Ёшлар майдоли». 7.30 «Чархлар». Т/с. 8.15 «Ўзбек адабиёти».

ТВ 3

7.00 Д/ф «По следам Индианы Джонса».

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

Бир улуг одамдан: — Ўнг кўлнинг фазилатлари жуда кўп бўлса ҳам, нима учун узукни чап кўлга тақадилар? — деб сўрадилар. У айтди:

Билмайсизларми, илм ахли доимо дунё зийнатига унча илтифот қилмайдилар.

Кимки илм уругини сепса, улуглик мевасини теради. Ҳасад уругини сепган эса ғам-ғусса мевасини теради.

Илм шундай бойликки, у сенинг ақлингни мустаҳкамлайди, хулқингни поклайди, табиатингни тозаалаб, иззатингни оширади. Илм сенинг ҳаётингга таҳсинга сазовор бўлган янгликларни олиб қиради. Ёзишга, ижод қилишга, тасниф этишга шароит яратди, бу билан эса сени камолга етказиб, умрингни боқий қилади.

Байт: Ҳар ким ҳунар қадрин билмаса кўп дод, У қурак сувратдир, 21.35 фат бунёд. Алафхўр мисоли эмасдир инсон, Зийраклик, ҳушёрлик пайтида ҳар он.

Ҳар ким ўқимокдан қилмаса гар ор, Тошдан лаъл чиқарар, сувдан дур-гавхар.

Фақат билмоқлик учун эмас, балки бирор ишни эглай билиш учун ҳам билмоқ зарур.

Агар сиз билимдон бўлсангиз, ўзгаларга ҳам уни ўргатинг. Сиздаги нурдан улар ҳам ўз шамчирокларини ёндириб олишин.

Машҳур олимлардан яна бири айтди: — Ҳар нарсани кўришга ва сўрашга қизиқиш — ёш болаларнинг энг яхши хосиятидир. Бу эса уларнинг илмга бўлган ҳаваслари негизидир. Агар ёш бола бирор нарса ҳақида сўраса, «Жим ўтир, оғзингни юм, сен билмайсан, ҳар нарсани сўрайверма», деб уни сўрашдан тўхтатманг, берган саволларидан қулманг, болага очик юз, мулойимлик билан аниқ-равшан жавоб беринг. Агар шундай қилмасангиз, боланинг илмга бўлган ҳавасини тўхтатган бўласиз.

Билим манбаи беҳад: инсоният бу йўлда қанчалик ютуқларга эришмасин, барча одамларнинг изланиши, кашфи ва билими учун ўрин топади.

Инсон дунёни қанчалик билса, ўзлигини ҳам шунчалик англайди.

Билим инсонга ҳамма йўлида йўлдошидир.

Байт: Йигитликда йиғ илмнинг мағзини, Қарилик чоғи ҳарж қилгин ани.

Ҳунар дунёда молу пул ғамлаш, ундан ўз машаати учун фойдаланиш учунгина эмас, ҳунарманд киши ўз ҳунари билан одамларнинг кўнглини олмоғи, кўпчиликка ёрдам бериб, уларни хурсанд қилмоғи лозим.

Шайх Саъдий айтади: Кишида бўлмаса фазлу ҳунардан, Ундайнинг сувратдан нима фарқи бор?

Ҳунар дунё тўплаш эмасдир, Ўзгалар кўнглини шод қилгил тақрор.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Хурматли ҳамшаҳарлар!

Тошкент шаҳрининг туманларида 2009 йил 1 августдан 1 октябргача ташкил этиладиган Марказий «Мактаб бозорлари» рўйхати Учтепа тумани Фарҳод кўчаси, «Фарҳод» деҳқон бозори, марказий дарвозаси олдидаги автотўхташ жойида Бектемир тумани Водник даҳаси, «Бектемир бозори» олдида Миробод тумани Ўзбекистон кўч. 45 «Тошкент универмаги» ҳудудидаги майдонда М.Улуғбек тумани Сайрам кўчаси «Бўз бозори» олдида С.Раҳимов тумани «Беруний» метро бекати, Миллий университет томонида Сергели тумани Сергели-8, супермаркет олдида Чилонзор тумани Чилонзор кўч. 55, «Чилонзор савдо маркази» олдида Ҳамза тумани «Авиасозлар деҳқон бозори» олдидаги майдонда Шайхонтоҳур тумани А.Навоий кўч. 30-уй олдида (ўрнатилган савдо расталари) Юнусобод тумани «Юнусобод савват» дўкони олдида Яққасарой тумани «Аския деҳқон бозори»нинг кириш қисмида Бундан ташқари Тошкент шаҳридаги деҳқон ва буюм бозорларида тадбиркорлар томонидан мактаб бозорлари шаклида ўқув қуроллари, кўлланмалари, кийим-кечаклар, пойабзаллар билан савдо ташкил этилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шања ва яқшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилмиа: Магбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва Давлат кадастри бошқармаси томонидан хисомий шахс Билалов Салих Собировнинг номига берилган 5-84/2002 реестр рақами 5-89/2002 бионинг бир қисми ва 5-132 30.09.2002 ерга кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети жамоаси «Сибсатшунослик, социология ва миллий истиқлол ғояси» кафедраси доценти Флора Гайнутдиновна Кулеваннинг онаси Маривар яа КУЛЕВАННИНГ вафот этганилиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЖУМАЛИК ЭЛЕКТРАСТРА

Давомий Боши 3-бетда.

10.00, 1.00 - 6 кадров. 11.00, 22.00 «Я лечу». Сериал. 12.00 Сериал «Моя прекрасная няня».

ТВ 3

7.00 Д/ф «По следам Индианы Джексона». 8.00 М/ф «Фриказид».

ПАЙШАНБА, 20

«Ўзбекистон» 5.55 Курсувалар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

Первый канал

4.00, 8.05 «Доброе утро». 8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 20.00 Новости.

Россия

4.00 Доброе утро, Россия! 7.55, 23.05 М/ф «Серебряный шар».

НТВ

5.00 «Сегодня утром». 7.05 Сериал «Только ты...».

«Ёшлар»

6.55 «Yoshlar» салони. 7.00 «Ёшлар майдон».

СТС

7.00 «Звезда». Сериал. 7.55 «Смешарики».

«Тошкент»

7.25 Программа передач. 7.30 «Салом, Тошкент!».

ЖУМА, 21

«Ўзбекистон» 5.55 Курсувалар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро». 7.50 «Тет-а-тет».

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро». 7.50 «Тет-а-тет».

Первый канал

4.00, 8.05 «Доброе утро». 8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 20.00 Новости.

Россия

4.00 Доброе утро, Россия! 7.55, 23.05 М/ф «Серебряный шар».

НТВ

5.00 «Сегодня утром». 7.05 Сериал «Только ты...».

«Ёшлар»

6.55 «Yoshlar» салони. 7.00 «Ёшлар майдон».

СТС

7.00 «Звезда». Сериал. 7.55 «Смешарики».

«Тошкент»

7.25 Программа передач. 7.30 «Салом, Тошкент!».

ЖУМА, 21

«Ўзбекистон» 5.55 Курсувалар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро». 7.50 «Тет-а-тет».

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро». 7.50 «Тет-а-тет».

Первый канал

4.00, 8.05 «Доброе утро». 8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 20.00 Новости.

Россия

4.00 Доброе утро, Россия! 7.55, 23.05 М/ф «Серебряный шар».

НТВ

5.00 «Сегодня утром». 7.05 Сериал «Только ты...».

«Ёшлар»

6.55 «Yoshlar» салони. 7.00 «Ёшлар майдон».

СТС

7.00 «Звезда». Сериал. 7.55 «Смешарики».

«Тошкент»

7.25 Программа передач. 7.30 «Салом, Тошкент!».

ЖУМА, 21

«Ўзбекистон» 5.55 Курсувалар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро». 7.50 «Тет-а-тет».

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро». 7.50 «Тет-а-тет».

Первый канал

4.00, 8.05 «Доброе утро». 8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 20.00 Новости.

Россия

4.00 Доброе утро, Россия! 7.55, 23.05 М/ф «Серебряный шар».

НТВ

5.00 «Сегодня утром». 7.05 Сериал «Только ты...».

«Ёшлар»

6.55 «Yoshlar» салони. 7.00 «Ёшлар майдон».

СТС

7.00 «Звезда». Сериал. 7.55 «Смешарики».

«Тошкент»

7.25 Программа передач. 7.30 «Салом, Тошкент!».

ЖУМА, 21

«Ўзбекистон» 5.55 Курсувалар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро». 7.50 «Тет-а-тет».

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро». 7.50 «Тет-а-тет».

Первый канал

4.00, 8.05 «Доброе утро». 8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 20.00 Новости.

Россия

4.00 Доброе утро, Россия! 7.55, 23.05 М/ф «Серебряный шар».

НТВ

5.00 «Сегодня утром». 7.05 Сериал «Только ты...».

«Ёшлар»

6.55 «Yoshlar» салони. 7.00 «Ёшлар майдон».

СТС

7.00 «Звезда». Сериал. 7.55 «Смешарики».

«Тошкент»

7.25 Программа передач. 7.30 «Салом, Тошкент!».

ЖУМА, 21

«Ўзбекистон» 5.55 Курсувалар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро». 7.50 «Тет-а-тет».

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро». 7.50 «Тет-а-тет».

Первый канал

4.00, 8.05 «Доброе утро». 8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 20.00 Новости.

Россия

4.00 Доброе утро, Россия! 7.55, 23.05 М/ф «Серебряный шар».

НТВ

5.00 «Сегодня утром». 7.05 Сериал «Только ты...».

«Ёшлар»

6.55 «Yoshlar» салони. 7.00 «Ёшлар майдон».

СТС

7.00 «Звезда». Сериал. 7.55 «Смешарики».

«Тошкент»

7.25 Программа передач. 7.30 «Салом, Тошкент!».

ЖУМА, 21

«Ўзбекистон» 5.55 Курсувалар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро». 7.50 «Тет-а-тет».

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро». 7.50 «Тет-а-тет».

Первый канал

4.00, 8.05 «Доброе утро». 8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 20.00 Новости.

Россия

4.00 Доброе утро, Россия! 7.55, 23.05 М/ф «Серебряный шар».

НТВ

5.00 «Сегодня утром». 7.05 Сериал «Только ты...».

«Ёшлар»

6.55 «Yoshlar» салони. 7.00 «Ёшлар майдон».

СТС

7.00 «Звезда». Сериал. 7.55 «Смешарики».

«Тошкент»

7.25 Программа передач. 7.30 «Салом, Тошкент!».

ЖУМА, 21

«Ўзбекистон» 5.55 Курсувалар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро». 7.50 «Тет-а-тет».

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро». 7.50 «Тет-а-тет».

Первый канал

4.00, 8.05 «Доброе утро». 8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 20.00 Новости.

Россия

4.00 Доброе утро, Россия! 7.55, 23.05 М/ф «Серебряный шар».

НТВ

5.00 «Сегодня утром». 7.05 Сериал «Только ты...».

«Ёшлар»

6.55 «Yoshlar» салони. 7.00 «Ёшлар майдон».

СТС

7.00 «Звезда». Сериал. 7.55 «Смешарики».

«Тошкент»

7.25 Программа передач. 7.30 «Салом, Тошкент!».

Бош мухоррир Акмал АҚРОМОВ. Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Газета Тошкент шахар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатда олинган.